

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqa boshlagan

№ 83 (7.076). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:

Бирни кўриб фикр қил



(3-саҳифада)


Замонавий кутубхона қандай бўлиши керак?

(4-саҳифада)

Дунё саҳнасида



(3-саҳифада)



## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июл куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлери қабул қилди.

Ташрифингиз икки томон манфаатларига хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Германиянинг иштирокида муштарак эканлигиндан яна бир далolatдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида сийёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда.

ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Гернот Эрлер кўп йиллар давомида Германия Бундестагида турли лавозимларда фаолият кўрсатган.

Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОЙИШИ

## Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжалиklarини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида

Етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, фермер хўжалиklарини ва агрофирмаларини замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, тез қайта созланадиган ихчам ишлаб чиқариш билан таъминлаш ҳисобидан уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида:

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш учун фермер хўжалиklarини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи икки ой муддатда:

уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонда пешкадам хорижий мамлакатлар (Германия, Венгрия, Италия ва бошқалар) етакчи компанияларининг замонавий ускуналар ва мини-технологияларини пухта ўрганиб чиқсин, уларнинг техник-иқтисодий тавсифини Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобатбардор, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш таъминлаш бўйича қатъий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳоласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, фермерлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ишлаб чиқариш ланчанинг аниқ тақлифларига бўлган талабни атрофича ўрганиб чиқсин ҳамда улар билан фермер хўжалиklarини, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш эҳтиёжларини аниқласин;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича харид қилинадиган хорижий ускуналар ва мини-технологияларга хизмат кўрсатишчи сервис тармоғини ташкил этиш, ҳодимларни мазкур ускуналардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш юзасидан тақлифлар тайёрласин.

3. Ишчи гуруҳи, олиб борилган ишлар асосида, фермер

хўжалиklарини ҳамда улар томонидан ташкил этилган агрофирмаларга мева ва сабзавотларни қайта ишловчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта созланадиган ишлаб чиқариш ланчанинг аниқ тақлифларини, мазкур вазифани янги мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг янги мавсуми бошланишига хал эътиборини назарда тутиб, 2006 йилнинг 1 сентябрга Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Қуйидагилар: Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмолчи товарлари масалалари Комплекс зиммасига мазкур Фар-

мойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча ишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш вазифаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар ҳокимликлари зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик юклансин.

5. Ишчи гуруҳга ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга вазирилклар, идоралар ва тақлиқот марказлари мутахассисларини жалб этиш, сифатли тақлифлар тайёрлаш учун зарур маълумотларни сўраб олишга руҳсат берилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 7 июл

## Июл ва август – ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр

Бугунги кунда мамлакатимиз пахтазорларида гўза парвариши аниқ қизғин паллага кирди. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, июл ва август ойларида қилинган меҳнат, гўза билан "гиллашиш", уни оби-тобида парвариш, агротехника тадбирларини бекам-кўст ўтказиш, ҳашаротларга қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтирмаслик ҳосил салмоғини оширади, кўзланган натижага эришилади.

Шунинг учун ҳам бугундан бошлаб июл ва август ойларида ҳосил тақдирини ҳал қиладиган, ҳосилга ҳосил қўшадиган зарбдор эллик кунлик эълон қилинди. Зарбдор кунларнинг ҳар бири дақиқасидан унумли фойдаланиш учун ишнинг қўзини биладиган деҳқонлар ўзларининг аниқ иш режаларини белгилаб олдидлар. Ана шу масъулиятли кунларда, энг аввало, гўза қатор ораларида сифатли ишлов бериш, тўлиқ ишчи органлар билан созланган култиваторлардан узлуksиз фойдаланиш, сугориш, ай-

никса, гўзани тунда оби-ҳайтага қондириш, уни шарбат ва фекал билан тўйдириб, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш, ҳар қатра сувдан оқилона фойдаланиш гўят муҳим ҳисобланади. Шу билан биргаликда, қўсак қурти, шира, ўргимчакана ва бошқа зараркундаларга қарши ўз вақтида кураш ишларини олиб бориш, гўза майдонларидаги феромон тутқичларни вақтида алмаштириш, биологаторияларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳам ниҳоятда зарур. Биринчи

сентябрга қадар гўза майдонига эътибор қаратилса, у билан тиллашилса, миришкорларча ва фидойилик билан меҳнат қилинса, марра ўша деҳқонники бўлишига ҳаётнинг ўзи неча бор тақдирлаб берган. Дала бугунги кунда ҳақиқий меҳнат ва яратувчилик майдонига, ризки-рўзимиз, моддий манфаатдорлигимиз манбаига айланган ҳам рости. Ахир "Кўзланган натижага эришаман", деган фермер, механизатор, сўчи, бошқа дала ишчилари, ўсимликларни ҳимоя қилиш

билан шуғулланувчи мутахассис бугун ўз даласини назоратсиз қолдирмайди, гўзаси атрофида парвона бўлади. Ишнинг қўзини биладиганлар эса далада ишловчилар учун шарт-шароитларни яратиб беради. Моддий ва маънавий рағбатлантиришни йўлга қўяди. Хуллас, зарбдор эллик кунликда ҳосилга ҳосил қўшилиши учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширган деҳқоннинг хирмони баракали, даромади салмоқли бўлиши турган гап.

## Тунги сугориш хосияти

Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ойлardan бўлган июлда сал ҳаяллаган киши кўп нарсадан ютказад. Аниқ пайтда қилиниши лозим бўлган – гўзани озиклантириш, уларни зараркунанда ва ҳашаротлардан асраш, сугориш каби ишларнинг барчаси бир-бирдан муҳим. Бу юмушларнинг бари омилкорликни талаб этади.

Бунда, айниқса, сугоришнинг меъёрини билиш, бу ишни тунда адо этиш катта аҳамият касб этади. Агар ниҳоллар чанқатиб қўйилса ёки бостириб сугорилса, ҳосил элементларини тўқади. Аслида деҳқончиликда бир қолигда иш олиб бориладими. Ҳар бир дала-нинг тупроқ шароитига қараб парвариш қилинади, ўз самарасини кўрсатади.

Бундан ташқари "Урган Сохибқор" мўрбил МТПсига қарашли далапар Амударё ёқларида жойлашган бўлиб, асосан енгил тупроқли майдонлардан иборат. Бундай тупроқнинг маҳаллий ўқитилган талаби юқорилиги азалдан маълум. Иккинчидан, айрим далапарнинг ерости сувлари юзага яқин. Бундай жойдаги ниҳоллар парваришига кўп йиллик тажриба асосида ёндашмоқ лозим.

(Давоми 2-бетда)



Шу кунларда Каттақўрғон туманида Самарқанд ва Навоий вилоятларини боғловчи замонавий автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда. Қурилиш ишларида самарқандлик йўлсозлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона ва Навоий вилоятларидан келган қурувчилар ҳам қатнашишяпти.

СУРАТДА: қурилиш корхонаси раҳбари ўринбосари Абдуазиз Саъдуллаев, прораб Ҳамза Жумаев ҳамда қурувчи Раҳматилла Ҳақимов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига

Абдулла ОРИПОВ: Истиқлол – саодатга элтувчи йўл

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

Яна бир неча кундан сўнг халқимиз ўз истиқлолини қўлга киритганига 15 йил тўлади. Биз бу йил ўн бешинчи бор байрам қиладиган саодатли санани – Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган кунни Сиз қандай эслайсиз?

Инсон ҳаётида унутилмас воқеалар, кунлар ва лаҳзалар кўп бўлади. Киши уларни эслаганида, вужудини ҳаяжон чулғаб, кўнгида факр-ифтихор туйғулари жўш уради.

1991 йилнинг 31 августи – Ўзбекистон парламентида Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ватанимиз мустақил давлат деб эълон қилинган кун – мен учун ана шундай ҳаяжон, факр-ифтихор билан эсга оладиган саодатли кундир. Мен бу санани ўзимнинг ҳам, халқимнинг ҳам қайта тутилган кунини, деб биламан.

(Давоми 2-бетда)

## АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖНИЙ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

АВТОДОМ PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк кўтарадиган фурголар, 6-15 ўринлиқ микроавтобуслари сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усуда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

## Ким хурсанду ким мулзам?

Айни кунларда мамлакатимиз далаларида галла ўрими-йғими якунлашни арафасида. Сидқидилдан меҳнат қилиб, пеллона тери билан ҳосил етиштирилган кўплаб фермерлар ҳосил хирмонидан кўнгиллари тўлиб, қилган ҳалол меҳнатларининг самарасидан хурсанд. Чунки улар режани ҳам уддаладилар, ўзлари ҳам яхшигина манфаатдор бўлдилар.

Аммо шולי курмасиз бўлмаганидек, айрим фермерлар ва баъзи мутасаддилар тўғри йўл қолди, эгри йўлдан юрганликларини учун бутун панд еб, ўзгалар олдига мулазам бўлиб қолдилар. Яъни, улар кўзбўямачилик ва бошқа гайридиқ мақсадларни кўзлаб иш тутганилари учун қонун олдига жавоб беришларига тўғри келмоқда.

Хуқуқни муҳоидорларни томоидентимизнинг бошоқли дон ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан доимий равишда назорат тадбирлари олиб борилди. Утказилган тадбирлар жараёнида ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликларини оқибатида давлат манфаатларига жиддий зарар етказган "уддабуронлар"нинг қилмишлари ошқор бўлди. Хусусан, Бухоро вилоятидаги "Қоғондон-маҳсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли "Жарқоқ" дон қабул қилиш шохобчаси мудири Т.Қобиллов Қоровулбозор туманидаги "Қобил бобо замини" фермер хўжалиги томонидан топирилган 46950 килограмм бугдойдан қиймати 1 миллион 800 минг сўмлик 10 тонна галлани "Ўтган йил ҳосилидан қарингиз қолган", дея олиб қолган. Натижанда юк ҳагига 36950 килограмм бугдой қабул қилиб олинганлигини кўрсатган.

Қарор ва ижро

(Давоми 2-бетда)



Мавсум

Чеканка — муҳим тадбир

Қорақалпоғистондаги йирик аграр туманлардан бири Тўрткўл хўжалиқларида мавжуд 13300 гектардаги ғўза яхши парваришланаётгани боис дуркун ривожланиб, муҳим агротехник тадбир — чилпишни бошлашга имконият туғилди.

Шу муносабат билан туман фермер хўжалиқлари раҳбарлари, мутахассислар иштирокида маслаҳат-семинарлар бўлиб ўтди. Унда чилпишнинг ҳосияти, унинг мўл ҳосил тўплашдаги аҳамияти, сифатли ўтказиш учун нималарга алоҳида аҳамият берилиши хусусида маслаҳатлашди олинди. Аини пайтда ривожланиши мейёрда бўлган пайкаллардаги ғўзаларни чилпиш бошланди.

Бундай тадбирлар Амурдёр, Беруний, Элликалва каби Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида ҳам ўтказилди. Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Семинар

Микромолиялаш

хизматларига бағишланди

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки кишилик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаолаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ жойлардаги аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга ихтисослашган янги, имкониятлари кенг, истиқболли молиявий муассаса.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясида "Микрокредитбанк" ва республика савдо-саноат палатаси мутахассислари учун тадбиркорлик субъектларига микромолиялаш хизматларини кўрсатиш бўйича махсус семинар бўлиб ўтди. Анжуман катнашчилари Президентимизнинг "Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қароридан келиб чиқадиган вазифалар, тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш турлари ва тартиби, миқозининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш мезонлари ва усуллари, тадбиркорлик субъектлари томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган "Бизнес-режа" таркиби ва унинг тартиби каби долзарб мавзуларда маърузалар тинглади ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинар якунида унинг катнашчиларига махсус сертификатлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Хушxabар

Саксон фоизи — экспортга

Фуркат туманидаги "Ишонч" очик турдаги хиссадорлик жамияти жамоси бир йилда 5 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган махсулотга айлантирмоқда. Аини пайтда толаннинг 80 фоизи Россия, Туркия, Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинаётир.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ



Заҳар ўрнига — шакардек ҳаёт

Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб иқтисодий тараққиётнинг мислиси натижаларини намойиш этиб келмоқда. Маълумки, Ер юзининг бу қисми аҳоли сони жиҳатидан энг йирик ҳисобланади. Ундаги айрим давлатларнинг жадал тараққиёти эса ҳозирги кунда аксарият олимۇ афкори умумнинг диққат-эътиборида. Бу минтақанинг туризм маскани сифатида донг қозонган ҳудудларидан бири Таиланд қироллиги ҳисобланади. Мазкур давлатнинг ўзига хос бир жиҳати шундаки, у тарихда ҳеч қачон мустамакчилик балосига мубтало бўлмаган.

Таиланд ҳудуд жиҳатидан Ўзбекистондан атиги 65 минг кв.км каттароқ бўлиб, аҳолиси 64 млн.дан ортик кишини ташкил этади. Таиланд қироллигининг давлат тузumi — конституция монархия кўринишида. Мамлакатни сўнгги олтинчи йилдан бери қирол Бумибол Адунядет бошқариб, у дунёда тахта энг узок ўтирган ҳукмдор ҳисобланади.

Дароқе, кўчи кеча ана шу сана мамлакат микёсида тантанали нишонланди. Миллионлаб таиландликлар қиролга нисбатан ҳурмат рами сифатида сарфқ футболкаларда кўчаларга чиқиб, бир ҳафта давомида байрам кайфиятида юрдилар. Қирол шунга муносив-да ўн йилликлар давомида у мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшиб, чекка-чекка қишлоқлар аҳолисининг ҳаёти билан ҳам мудом қизиқиб келган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида бу давлат дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири ҳисобланарди. Қироллик томонидан амалга оширилган жиҳдий ислохотлар мамлакатни инкироз жаридан олиб чиқди. Бу борада қишлоқларда иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар алоҳида таъсирга эга бўлди. Таиланднинг Бирма билан чегарадош Чаг Рай шимолӣ вилоятида жойлашган Дой Тунг қишлоғидаги ўзгаришлар ана шундай сый-ҳаракатлар натижасидир.

Қироллик ташаббус билан

ташкил этилган Май Фа Луанг (Самодан тушган она) жағмармаси раҳнамолиги остида 1988 йили она қиролчиқа Сри-нагаринда Дой Тунг қишлоғида янги лойиҳани амалга ошириш тақлифи билан чиққан эди. Гап шундаки, авваллари Таиланд қироллигининг шимолӣ ҳудудларида гиёҳванд ўсимликлар етиштириш кундалик ҳаёт тарзига айланиб, бундан бутун мамлакат, ҳатто минтақа ҳам азият чекар эди. Боз устига, аҳоли қашшоқлашиб, бу ерда турли юкуми касалликлар авж олаётган ҳамда экологик хавф кўчайиб бораётганиди. Пухта ўйланган ислохотлар натижасида вазият таъмилга ўзгариб, мазкур қишлоқ аҳоли бугун янги ҳаёт тарзини бошлаган.

Дой Тунг Тараққиёт лойиҳаси дастававл ўз олдиға турт мақсадини қўйган эди:

- 1. Пайхон қилинган ўрмон ҳудудларини қайта тиклаш ҳамда инсон ва атропо-муҳит ўйунлигини таъминлаш.
2. Янги иш ўринларини яратиш, самарали соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини жорий этиш орқали маҳаллий аҳоли турмуш тарзини яхшилаш.
3. Афюн етиштиришни тақиқлаш, бундай ўсимлик экилган ҳудудларни йўқ қилиб, ўрниға янги қишлоқ хўжалиғи махсулотлари екишни йўлга қўйиш.
4. Чегара ҳудудларида ҳафсизлик чораларини қўлаш ҳамда этник гуруҳлар оғидида таиландға нисбатан сондиқлик ҳиссини ўйғотиш.

Ййловлардан самарали фойдаланиш — чорвачилик раvнақи асоси

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғида олиб борилётган иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқда мулкдорлар сағми кенгайиб бормоқда. 2000 йиллардан бошлаб асосан пахта ва ғалла етиштиришға ихтисослашган ширкат хўжалиқлари ўрнида фермер хўжалиқлари ташкил этилган бўлса, 2006 йилдан бошлаб бог ва узумчилик соҳасида ҳам шундай йўл тутилди.

Сўғорилладиган ер майдонлари билан бир қаторда, республикамизнинг катта ҳудудини эгаллаб, чорвачиликни ривожлантиришда асосий ўрин тутадиган ййловлардан фойдаланиш масаласиға ҳам айнан шундай ёндашув зарур. Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалиғида фойдаланиладиган умумий ер майдонининг қарийб 52 фоизини ййловлар ташкил қилади. Ана шу майдонда асосан чорвачиликка, унинг ййрик соҳаси ҳисобланган қоракўнликчиқа ихтисослашган ширкат ва фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатади.

Амалдағи қонунларға асосан қоракўнликчиқа ихтисослашган ширкат ва фермер хўжалиқлари ййловларни шартнома асосида 30 йилдан 50 йил муддатгача ижараға олганлар. Ширкат хўжалиқлари мавжуд ййловларни ўз ички фермалари ва чорвачилик отарлиқға оилавий пудрат асосида бириктирган бўлса, фермер хўжалиқлари эса "Фермер хўжалиғи тўғри-

сида"ғи қонунға асосан шартли мол бош сони ҳисобига ййловларни ижараға олиб, ундан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирға, амалда бу ййловларда баъзи ҳолларда қўшни туман ва вилоят аҳолисининг чорва молларининг берухсат боқилиши ҳолатлари ҳам кўзатилади. Мазкур ҳолат биринчидан, мавжуд ййловлардан тартибсиз ва ноқонуний фойдаланиш чўл ҳудудларида яшайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари атрофида мейёрдан ортик чорва молларининг боқилишиға олиб келуш, иккинчидан, ййловлар деградациясининг кўчайишиға сабаб бўлмоқда. Ҳозирғи мавжуд шароитда эса хар бир деҳқон хўжалиғининг мол бош сониға қараб ййловдан ер майдонини ажратилишининг иложи йўқ.

Фикримизча, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳамда ширкат хўжалиқларининг оилавий пудратчилари ййловлардан тизимли фойдаланиш деградациясининг олдини олиш мақсадида ишни янги ҳаёт тарзида ташкил этиш мақсадиға мувофиқ. Бунда ййловлардан жамоатчилик назорати остида фойдаланилиши, унинг ҳаёт тарзи, сув билан таъминланганлик даражаси ва ўсимликлар ҳосилдорлиғи ҳисобга олиниши зарур. Ййловлардан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, чорвачиликни ривожлантиришға имконият яратеди.

Ййловларға яқин жойда яшайдиган аҳоли вакиллари билан суҳбатлашсангиз, чорва молларини бир тизимға уюшган ҳолда боқилиши ташкил қилиш зарурлигини таъкидлашди. Чўки чорва моллари бош сониғини қўлайиши турли қийинчиқларни келтириб чиқармоқда. Ем-хашакнинг қиш вақтида етмаслиғи, табиий озунаниғ йилдан-йилға камайётганлиғи, шувоқ

ва саксовулнинг чопилиши натижасида ййлов деградациясининг кўчайётганлиғи шундай мушоҳада юритишға ундайди. Бизнингча, республикамизда чорвачиликни, хусусан, қоракўнликчиқни барқарор ривожлантириш учун "Ййловдан фойдаланувчилар уюшмаси" каби жамоатчилик кўчига таянадиган, мувофиқлаштирувчи тизимни шакллантириш зарур. Унинг асосий мақсади — қишлоқ аҳолисининг чорва молларини ширкат микдордағи ййловнинг боқилишиға олиб келуш муддатта ижараға олиш асосида ундан режали фойдаланиш орқали деҳқон хўжалиқларидағи чорва молларини боқилиш, ўсимликлар-

нинг ўсиш ҳолатини ўрганиш бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш, озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширган ҳолда экологий ва биохимия-хилликни сақлаш ҳамда қўриқлашни таъминлаш, чорва молларининг сифатини яхшилаш асосида махсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ййловдан фойдаланувчилар уюшмаси фуқаролар ййғини қошида ташкил этилиб, у ҳаёт тарзи ва нотижорат, ўз-ўзини бошқаришға асосланган жамоат ташкилоти сифатида ўз фаолиятини амалдағи қонунлари ва ўз Устави асосида олиб бориши зарур.

Ушма аъзоларининг умумий ййғилишида еркин сайлов ўтказиш орқали ушма бошқарув Кенгашини шакллантириш, уларнинг сағидан эса ушма раҳбарини сайлаш тақли этилади. Ушма раҳбари обрў-эътиборға лойиқ, ййлов чорвачилиғи тўғрисида маълумотта ва касбий тажрибаға эға бўлиши зарур. Раҳбар маълум бир муддатта сайланиб, у хар ййли бошқарув кенгашиға олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот бера-

ди, тақлифларни қабул қилади ва ўз ваколати доирасида иш юритади. Ййловдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш мақсадида БМТ Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистонда биохимия-хилликни сақлашнинг модели сифатида Қизилқум — Нурота биосфера резерватини ташкил этиш" лойиҳасининг "Чорвачилик ва ййловларни бошқариш" суб-лоийҳаси доирасида Жиззах вилояти Фориш тумани "Фориш" ширкат хўжалиғининг Отақўрғон ва Асроф қишлоқлари, шунингдек, Навоий вилояти Нурота тумани "Нурота" ширкат хўжалиғи ҳудудидағи Кичик сой қишлоқлари аҳолиси билан ушбу уюшманиннг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, биринчи навбатдағи ташкилий масалалар белгилиниб олинди ва у синодан ўтмоқда.

Мамлакатимизда бугунги янгилашиш, иқтисодий ислохотлар жадаллашадиган ва қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар сони йилдан-йилға кўпайиб, хар бир қарич ер майдонини ўз эғасини топаётган бир даврда озуқаға бой бўлган ййловларимиз деградациясининг олдини олиш, ундағи биохимия-хилликни сақлаш ва қўриқлаш, улардан самарали фойдаланилишини таъминладиган мукамил тизимни амалиётға жорий қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш мақсадиға мувофиқдир.

Суръат ЮСУПОВ, Ўзбекистон қоракўнчилиги ва чўл экологийси илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, профессор. Тўлқин ФАРМОНОВ, Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.



Ҳалокатли парвозлар

Иркутскда ҳалокатга учраган "Сибир" ҳаво йўлларига қарашли А-310 самолёт қолдиқлари остидаги ҳалок бўлган ййловчилар жасақларини қидириб топиш давом этмоқда. Аини пайтда ҳалок бўлганлар сони 131 нафарға етгани айтилмоқда. Душанба кўни Москва — Иркутск ййналиши бўйича парвоз этган А-310 самолёти маҳаллий вақт билан 7:44 да Иркутск аэропортиға қўниш вақтида ҳалокатга учраган. Омон қолган ййловчилар сўзларига қўра, самолёт қўниш йўлидан чиқиб кетган ва аэропортни ўраб турган тўсиқни суриб, яқин атрофдағи биноларнинг бириға келиб урилган. Оқибатда самолётнинг фақат дум қисми омон қолган. Маълум бўлишича, экипаж аъзолари диспетчерлардан қўнишға рухсат сўраган, бироқ кейинчилик алоқа узилиб қолган. Воқеа юзасидан тергов ишлари бошлаб юборилган. Самолёт "қора қўти"си ўрганиш учун Москваға жўнатилган. Авиахалокатларға боғлиқ тарқатилган ана бир хабарға қўра, Покистоннинг Мултон шаҳрида маҳаллий авиаконпанияға теғишли "Фоккер" русумили ййловчи самолёти симёғочға тўқнашиб ҳалокатга учраган. Бортидағи 41 нафар ййловчи ва 4 экипаж аъзоси ҳалок бўлган.

Навбатдағи хунрезлик

Беш нафар америкалик ҳарбийларға нисбатан жинойт иш қўзғатилди. Улар Ироқнинг Махмудия шаҳрида истиқомат қилган 15 яшар қизни зўрлашда ва унинг ота-онаси ҳамда укасини вақийларча отиб ўлдирганлиқда айбланишмоқда. Аини дағда ҳарбийлар Махмудия яқинидағи Америка базасининг қамоқхонасида сақланмоқда. The Washington Post газетасининг вазиишича, судға тортилган ҳарбийлар хунрезлиғиға гувоҳ бўлган ироқлик тинч аҳоли вакиллари мавжуд. Гувоҳлардан бири Умар Жабонийнинг журналистларға берган интервьюсиға қўра, у америкалик 5 нафар аскарларнинг жабдийдилар хонадонига қиришганиға гувоҳ бўлган. Улар хонадонни тарк этганида сўнг Умар шу уйға қиринган ва ерда вақийларча зўрлаб ўлдирилган қиз, унинг оила аъзоларини қўрган. Агар ҳарбийларнинг жинойти фош этилса, улар ўлим жазосиға ҳукм этилиши мумкинлиғи айтилмоқда.

"Чикунгуьни"нинг хуружи

Индонезиянинг гарбида инсон саломатлиғи учун хавфли саналган экзотик "Чикунгуьни" касаллиғи авж олмоқда. Мамлакат ОАВлари тарқатган хабарларға қўра, Суมาตรา оролининг Жамби провинциясида ушбу инфекция туфайли бир одам ҳалок бўлган ва 50 га яқин киши зарарланган. "Чикунгуьни" касаллигини тарқатувчи восита пуллар ва ботқоқ чивинлари эканлиғи аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиға қўра, Индонезияда охири йилларда юз-бераётган кўплаб қўчи ер силкенишлари ва вайронкор туфонлар оқибатида турли инфекция қасалликлар авж олиб кетган. Ана шундай касалликлар туфайли мамлакатда хар кўни 400 нафар катта ёшдағи, 500 нафар ёш болалар ҳалок бўлади.



Вақтида оғоҳ бўлишди

Нью-Йоркда амалға оширилиши мумкин бўлган ййрик кўпорувчиликда гумон қилиниб қўлға олинган ливанлик террорчи барча айбловларни тан олди. 30 ёшли Ассам Хамуд шу ййлининг 27 апрелида АҚШ ва Ливан аҳоли хизмати томонидан ҳибсога олинган эди. Хамуднинг сўзларига қўра, унинг бошчилиғида 8 нафар террорчи 2006 йил охирида АҚШ ҳудудиға кириб келиши ва "Ал-Қоида"нинг махсус топшириғини бажариши лозим бўлган. Ташкилот бошлиғи Усама бин Ладиннинг топшириғиға биноан улар Манхеттен ва Нью-Жерси штатини бирлаштириб турувчи Гудзон дарёси остидан ўтган автомобил туннелида миналаштирилган бир неча машиналарни порлатиб, Нью-Йорк шаҳрини сув остида қолдирмақчи бўлишган.

Баҳс ҳали давом этади

Флорида Олий суди Philipp Morris, Reynolds ва яна бир қанча сигарета ишлаб чиқарувчи компанияларни жарима тўлашдан озод этди. 2000 йилда штатнинг бир неча соғлиқни сақлаш муассасалари ушбу компанияларни 300 дан 700 нафаргача бўлган аҳолининг ўпка рақи ва бошқа касалликлар билан оғришда айбдор санаб, беморларға 145 миллиард доллар микдорда тоvon пули ундириш тўғрисида судға мурожаат этишган эди. Суд қарорига биноан тамақдан азият чекаётганлар эмалиқда судға гуруҳ бўлиб эмас, балки алоҳида мурожаат этишди. Шунини таъкидлаш жоизки, суд ҳукминан сўнг юқоридағи компаниялардан ишлаб чиқарилаётган махсулотларға жаҳон бозорида яна талаб ошиб кетди.

Ўзи қазиган чоғға...

Ингушетияда бир гуруҳ жангарилар ўзлари қазиган чоғға ўзлари қазиди. Республиканинг Назранов туманидан икки километр олисдағи Эжакевода юк машинаси ерга қўйилган минаға дуч келиб портлаб кетган. Федерал хизмат вакиллари воқеа жойини ўрганиб, машина ичида катта микдорда портлатиш мосламаси ва бир неча жангари бўлганини аниқлашган. Улар дуч келган миначи ҳам айнан шу ҳудудда ҳаракат қиладиган жангарилар ўрнатишгани маълум бўлган. Ҳалок бўлганлар орасида анчадан буён қидирувда бўлган чечен айриқчилари раҳномаларидан Шамил Басаев ҳам борлиғи айтилмоқда. INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: 1 Австралия доллары 920.63, 1 Англия фунг стерлинги 2266.88, 1 Дания кронаси 210.29, 1 ЕАД диррағи 333.68, 1 АҚШ доллары 1225.54, 1 Миср фунти 213.32, 1 Исландия кронаси 16.24, 1 Канада доллары 1099.73, 1 Хитой юани 153.52, 1 Малайзия рингити 337.15, 1 Польша злотийи 384.41, 1 СДР 1816.70, 1 Туркия лираси 788.64, 1 Швейцария франки 1001.50, 1 ЕВРО 1567.83, 10 Жанубий Корея воки 13.01, 1 Япония иенаси 107.81, 1 Россия рубли 45.50, 1 Украина гривнаси 242.68

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёқи сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Биздан озод ва обод Ватан қолсин» танловига

Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин

Бўлсин

Дейдилар: хар юракнинг боғи-бахори бўлсин, Ҳаётга шайдолигу номусли-ори бўлсин.

Солмасин асло соя ғаму қулфат девори, Суянноққа қуламас ўгли чинори бўлсин.

Бу дунёи-дун ичра көзгай ҳали шайтонлар, Улардан асрагувчи дуо-тумори бўлсин.

Омадсизлик куони бир келса, келаверар, Унинг йўлин тўсмоққа аҳди қарори бўлсин.

Ердан садо келади, кўкдан нидо келади, «Юртим!» деган бу мажнни ўпмоқ шиори бўлсин.

Ўргилай сендан элим, дунё билан бўйлашдинг, Ҳар ўғил, хар қизингнинг доим барори бўлсин.

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Узлатга кетди шомлар, айрилику хижронлар, Миллатим, деганларнинг Эрку шарори бўлсин.

Ниятинг соф, Аҳмадий, илоҳим, хар бир халқинг, Улуғ Ўзбекистондай қутлуғ диёри бўлсин!

Ўғизхон ва Ёвуз хон

(Баллада)

...Кучли рақиб – қўшни хондан Мактуб олимш Ўғизхон.

Унда шундай битилганмиш: "Тингла сўзимни, эй хон,

Дулдулингни ёқтирганман, Уни юборгин менга.

Йўқса, қўшин тортайдирман, Юртингга – маконингга!"

Бехуда қон оқмасин деб У ютиб фиғонини.

Юборибди рақибига Сөвган аргумогини.

Бироз фурсат ўтиб, ул хон Яна мактуб йўллабди.

Ундаги шарт – мисли тўфон, Барчани ўйлатибди:

"Хотинингни суйиб қолдим, Уни тортиқ эт менга.

Йўқса, қўшин тортайдирман, Манзилу маконингга".

Ҳақоратдан баттар эди, Гарчи бу шарт, бу сўров.

Маликадан воз кечди у, Қон тўкмасин дея ёв.

Еб тўймаган ялаб тўйма, Деганича бор экан.

Ул ёвуз хон тагин шундай Мактуб юборган экан:

"Фалон еринг маъқул кўрдим, Уни инъом эт менга.

Йўқса, қўшин тортайдирман, Сөнга азиз Ватанга!"

Ҳар галгидек машваратга Йиғилган оқсоқоллар


"Майли, бергин", деб айтишди Суриб оғир халлар:

"Балки унинг нафси қониб, Шу билан даф бўлгидир.

Бир парча ер кетса, мулқинг Камайиб қолмагидир..."

"Йўқ! – деб, шитоб туриб кетди Шунда ёвуз Ўғизхон.

–Аждодларим ётган хокни Бермагайман ҳеч қачон!



Ташпулат АХМАД

Шу заминнинг хар зарраси Қалбимда илдиш отган. Магар уни ёвга берсам, Қуёш биз учун ботган..."

Шундоқ дея шох Ўғизхон Қиличин сугурибди. Лашкар тортиб рақибини, Қон билан сугорибди.

Зафар билан қайтаркан у Отажон – тупроғига. Шундай сўзлар ёздирибди Юртининг байроғига:

"Боболарим руҳи кезган Хар қарич ер – муқаддас. Юрагимиз унга қалқон Бўлсин то сўнгги нафас!"

Сахарда симирдим гуллар хидини, Майдан маст бўлгандай кайфиятим чоғ. Насим, сен тутдингми бундай бодани? Тонг, ё сен ёқдингми кўнглимга чироқ? Дарёда неча кун оққан Тохирни Хур қизлар сандикдан этгандек озод, Бугун аламлардан тўлган бағирини, Бамисли жаннатдек сезялман обод... Шодлигимга боис не деб, ўй суриб Етдим поёнига ечиб тугунни. Кеча ахли ориф ила ўтириб, Англаган эканман умр деганин...

SPORT O'LAMIDA

Италиянинг 24 йил кутган ғалабаси

Мана, миллионлаб футбол мухлислари томонидан катта қизиқиш билан кузатилган XVIII Жаҳон чемпионатининг ҳам совриндорлари маълум бўлди. 9 июл куни финалда Европанинг икки гранд терма жамоаси – Италия ва Франция навбатдаги Кубок эгаси ким бўлишини аниқлаш учун майдонга тушди.



Учрашувнинг дастлабки дақиқалари ҳудди ярим финалдагидек фаранглар учун омадли бошланди. 7-дақиқада Флоран Малудуга нисбатан жарима майдонида Марко Матерацци кўполлик ишлатди. Ун бир метрлик жарима тўпини эса Зайниддин Зидан дарвоза тўрига йўллашда адашмади. Шундан сўнг италиялик футболчилар ҳужумга зўр беришди ва учрашувнинг 19-дақиқасида Андреа Пирлонинг бурчакдан узатиб берган тўпига ҳаммадан баланд сакраган Марко Матерацци ҳисобни тенглаштирди – 1:1.

Шундан сўнг майдондаги устунлик гоҳ фарангларда, гоҳ италияликлар томонида бўлди. 62-дақиқада Лука Тони (Италия) томондан киритилган голни эса аргентиналик ҳакам Гораццо Элизондо инобатга олмади ва финал учрашувининг асосий вақти 1:1 ҳисоби билан якунланди. Ун беш дақиқадан қўшиб берилган таймларда ҳам мухлислар бошқа гол гувоҳи бўлишмади. 110-дақиқада Франция терма жамоаси сардори Зайниддин Зидан майдондан четлатилди ва фаранглар учрашувининг қолган дақиқаларини 10 киши ўйлаб ўтказишди.

Пенальтилар сериясида эса омад италияликларга қулиб бокди – 5:3. Ун бир метрлик жарима тўпларини италиялик футболчилардан Пирло, Матерацци, Де Росси, Дель Пьеро ва Гроссоло аниқ амалга оширишган бўлса, Франция терма жамоасидан бу ишни Вильторд, Абидал, Сандоллар ундай билдирилди. Жанлуғижи Буффонининг клубдоши Давид Трезеге эса мўлжалдан бироз



адашди ва финалнинг "антиқаҳрамони" сифатида ЖЧ тарихи зарвақларидан жой алдиган бўлди.

Жаҳон чемпионати ўтмишига назар солсак, Италия терма жамоаси 1934, 1938 ва 1982 йиллардаги мундиалларни қолиб сифатида тарк этганига гувоҳ бўламиз. Бу галги чемпионлик "мовий гвардия"чиларга тўртинчи бор жаҳонда биринчи бўлиш имконини берди. Франция терма жамоаси эса 1998 йил бу шарафни номга сазовор бўлганди.

Шунингдек, бронза медали учун кечган уйинда мезбонлар Германия терма жамоаси Португалияни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. "Евро – 2004" ва XVIII Жаҳон чемпионати беллашувларида муҳлис ва мутахассисларда ижобий таассурот қолдирган Португалия терма жамоаси ўзининг 1966 йилги натижасини такрорлай олмади. Айнан ўша йили Эйсебио етакчилигидаги португалиялик футболчилар собиқ иттифок терма жамоасини мағлубиятга учратиб, Англияда ўтган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда Мирослав Клозе (Германия) гарчи гол муаллифи бўлмаган бўлса-да, 5 гол билан турнир тўпураси бўлди. Мундиалнинг энг яхши ёш ўйинчиси сифатида германиялик Лукаш Подольский тан олинди. 1994 йилдан буён жаҳон чемпионатидаги энг яхши дарвозабонларга топшириб келинаётган Лев Яшин соврини финал қаҳрамонларидан бири Жан-Луиджи Буффонга насиб этди.

Фестивал якунланди

Тошкент шаҳридаги 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шохмат бўйича IV аёллар фестивали якунланди. 36 нафар иштирокчи қатнашган мусобақа швейцар тизимида тўққиз турдан иборат бўлди.

Сўнгги турда мезбонлар вакиллари Шаҳноза Собировани мағлубиятга учратган фарғоналик Нафиса Мўминова 7,5 очко билан IV аёллар фестивали қолибги айланди. 7 очко жамгаран Ольга Собирова эса беллашувларини иккинчи ўринда якунлади. Жиззахлик "ақл гимнастика" устаси Юлдуз Ҳамроқулова учинчи поғонадан жой олди.

Осиё Кубоги – вакилларимизда

Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бағи биатлон бўйича Осиё Кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган вакилларимиз тўққизта олтин, ўн битта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида ҳам қитъада Ўзбекистон терма жамоасига мос рақиб топилмади ва Осиё Кубоги ватандошларимизга насиб этди. Мусобақаларда Дилафруз Имомхусанова, Зарема Мамедова, Мурод Хожибоев, Руслан Носиров каби бир қатор спортчиларимиз иштирок эттишди. Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Замонавий кутубхона қандай бўлиши керак?

Ахборот технологияларининг тараққий этиши кутубхоначилик тизимига нақадар муҳим ўрин тутиши Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан ўз ифодасини топган. Муҳбиримиз Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров билан шу ҳақда суҳбатлашди.

Авалло, ахборот асрида кутубхоначилик тизимида ўзгаришлар соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг бош омиллари акс этган. Қарорга мувофиқ, вилоятлардаги илмий-универсал кутубхоналар негизда ахборот-кутубхона марказлари ҳамда туман оммавий кутубхоналари негизда ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши янада янги имкониятлар очди. Таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда билим эгаллашига кўмаклашиш ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифасидир.

Айни пайтда барча вилоят кутубхоналари маълум даражада зарур техник воситалар билан таъминланган бўлса-да, ҳали уларни аҳолига замонавий ахборот хизмати кўрсатувчи марказларга айлантиришни ташкилий-услубий асослари мавжуд эмас. Юқоридаги қарор мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, маъруз кутубхоналар маҳаллий ва халқаро ахборот тизимларига уланган бўлиши, миллий ахборот манбаларини, ресурсларни, электрон маълумотлар базаси, электрон кутубхоналарни шакллантириб турувчи марказларга айланиши лозим.

Ҳозирги пайтда Интернетга уланган ақсарият ўқув юрталари, кутубхоналар, илмий-текшириш институтлари 90 фоиздан кўпроқ хоржий ахборот манбаларининг истеъмолчилари бўлиб қолмоқда. Шу боис асосий ахборот манба бўлган кутубхоналарда миллий ахборот тизимини яратиб долзарб бўлиб турибди. Бинобарин, бу илм даргоҳларни хоржий ахборотларнинг шунчаки истеъмолчилари бўлиб қолмаслигини

келувчи автоматлаштирилган кутубхона тизимига эга. Уларда халқаро форматларга мувофиқ келувчи "ИРБИС" тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Фақат ҳозирча бу иш уларнинг ўз ташаббуслари билан амалга оширилган. Рашанки, кутубхоналарни автоматлаштиришга оид давлат дастурига жуда катта эҳтиёж мавжуд.

Қарорда таъкидланганидек, "ZiyoNET"га уланган электрон кутубхоналар аҳолининг барча қатламларига зарур илмий-маърифий ва бизнес ахборотларни олиш учун ахборот манбаи саналади. Хуллас, одамларимизнинг ишонча ёхуд ўз уйдан чиқмай туриб, зарур маълумот ёки адабиётларнинг электрон нусхасини кутубхоналар орқали Интернетдан олиши учун буюртма беришига яқин қоляпти.

Кутубхоналарнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидан белгиланган муассаса ва ташкилотлар тизимига ўтказилишининг афзалликлари ҳусусида тўхталсангиз –

Қарорда айтилганидек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидан оммавий кутубхоналардан болалар кутубхоналари Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига, катталар кутубхоналари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хўна таълими маркази ихтиёрига, вилоят илмий универсал кутубхоналари эса Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига ўтказилиб, ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилади-ган бўлди.

Газетхоналаримизни яна бир савол қизиқтиради. Кутубхоналарда китоблардан ҳозиргидай оддий тартибда фойдаланиш усули ҳам сақланиб қолмади-ми?

Бу жуда ўринли савол. Ахборот-ресурс ёки ахборот-кутубхона марказларининг ташкил этилиши аънанавий кутубхона хизматидадан воз кечиш, дегани эмас. Балки, асосий мудио замонавий воситалар ёрдамида одамларимизни, айниқса, ёшларни китобга яқинлаштириш, ахборот, билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

Дилором МАТКАРИМОВА суҳбатлашди.

Утерьянная круглая печать, выданное на ЧП "Гафуров Дилшод Кабылджанович" Яккасарайского района г.Ташкента, считать недействительным.

Считать недействительной справку, выданную от управления земельных ресурсов и гос.кадастр г.Ташкента за № 1545 от 26.06.2006 г. на имя ЧП "MUSTANG-PERFEKT".

ДП "CHILLA" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 325 000 долларов США до 202506 долларов США. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: (371) 161-21-52.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлини банд солинган қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик қимосида савдоси ўтказилади.

2006 йил 21 июл куни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг қимосида савдоси ўтказилади:

1. "Севат-Кордоба" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30В 8481, бошлангич нархи 1261598 сўм, техник носоз – Миробод-651/4;

2006 йил 11 август куни қўйидаги автомобилотранспорт воситаларининг қимосида савдоси ўтказилади:

1 "BMW-316" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси X 261 SMM, бошлангич нархи 2500000 сўм, техник носоз – Юнусобод-1071/4;

2. "BMW-525" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси X 464 PRM, бошлангич нархи 6000000 сўм, техник носоз – Юнусобод-1070/4; Кимосида савдолари соат 16.00 да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтаининг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва қимосида савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Қимосида савдосида иштирок этиш учун автомобилотранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига автомобилотранспорт воситасининг бошлангич нархидан 10 фоиз тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 142-50-66; 142-54-94

Ширкат ва фермер хўжаликлари, "Қишлоқхўжаликкимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

Ўза ғовламасин, серҳосил бўлсин десангиз, кимёвий чеканка учун ПИКС® дан фойдаланинг!